





# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ТЕРРОРИСТИК, ЭКСТРЕМИСТИК ЁКИ БОШҚА ТАҚИҚЛАНГАН ТАШКИЛОТ ВА ГУРУХЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

тақиқланган ташкилотларнинг ғоявий ёки маънавий раҳнамоси бўлмаган бўлса;
жанговар ҳаракатларда ва қўпоровчилик ҳаракатларини содир этишда иштирок этмаган бўлса;
террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тақиқланган ташкилотларда ўқув, махсус ёки ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган бўлса;
террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида чиқиш ёки ҳаракатланишни амалга оширмаган бўлса;
халқаро терроризмни молиялаштиришда иштирок этмаган бўлса;

террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар мавжуд бўлган материалларни адашиб ёки ахборот-коммуникация воситаларида тарқатишга қасд қилмаган ва бундай мақсадни қўламаган ҳолда сақлаган бўлса.

4. Комиссияга (Муродов О.) қуйидаги ваколатлар юклансин: тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш;
муурожаат этган фуқароларнинг шахсини, шу жумладан, уларнинг содир этилган жиноятларга дахлдорлигини ҳар томонлама текшириш орқали ўрганиш;

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:
2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Миллий банклараро процессинг маркази, банклараро тўлов тизими ва клиринг марказининг фаолият юритиши учун маълумотларни қайта ишловчи тўлақонли марказ яратилишини;
2020 йил 1 январга қадар маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китобларда иштирок этувчи банклар ўртасида ахборот ва технологик алоқа ўрнатишга қўмаклашувчи Миллий банклараро процессинг маркази ишга туширилишини;
2020 йил 1 июлга қадар мамлакатдаги барча процессинг марказларининг, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларининг бевосита Миллий банклараро процессинг марказининг ягона шлюзи орқали ишланиши;
банк тўлов инфратузилмаси доимий равишда

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

**бешинчидан**, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти.

Аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонвий ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж. А. Қўчқоров аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини амалга оширишни таъминласин:
аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини кўйлаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;
ёшларни аудиторлик касбига жалб этиш, хусусан, профессионал жамоат бирлашмаларининг тегишли олий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлигини таъминлаш;
аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик тармоқларига жалб этилганлик даражасини ошириш, шу жумладан, аудиторлик ташкилотларини, аудиторларни аудитинг халқаро стандартларини қўлаш масалаларида фаол услубий жиҳатдан қўйлаб-қувватлашни ташкил этиш;

аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг халқаро аудит стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ушбу стандартларни қўлаш соҳасида жаҳоннинг илгор тажрибасини оммалаштириш бўйича фаолиятини фаолаштириш.
2. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (В. Пак), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Иқтисодиёт вазирлиги (М. Мирзаев), Давлат солиқ кўмитаси (Б. Мусаев), Тошкент молия институти (У. Азизов) ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

тижорат ташкилоти, агар у ҳақдаги ахборот Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан бошлаб уч ой давомида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилмаган бўлса, ўз номида “аудиторлик ташкилоти” сўзларидан фойдаланишга ҳақли эмас;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия лицензиятга барча турдаги аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуққини беради;

аудиторлик ташкилотининг устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита

муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган хулосаларни дастлабки тергов органларига ўрнатилган тартибда тақдим этиш;

содир этган қилмишига пушаймон бўлган ва айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб муурожаат этган фуқароларга нисбатан тақиқланган ташкилотлар аъзолари томонидан салбий таъсир этилишининг олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўриш учун ваколатли органларга топшириқлар юбориш;
жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишида, шу жумладан, бандлигини таъминлаш борасида кўмаклашиш ва мониторингини олиб бориш;

жиноий жавобгарликдан озод этилган шахслар билан профилактик-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича ваколатли органлар ва ташкилотларга топшириқлар юбориш.
5. Белгилансинки:
ушбу Фармон фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш учун асос ҳисобланади;

тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг қилмишига пушаймонлиги ҳамда айбини бўйнига олиши тўғрисидаги аризаси хорижда уларнинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси дипломатик

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЯХШИЛАНИШНИ, БАНКОМАТЛАР ВА ЎЗИГА ЎЗИ ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ КўП ФУНКЦИЈАЛИ ТЕРМИНАЛЛАР ТАРМОҒИНИНГ, ШУ ЖУМЛАДАН, ЎЗ ТАСАРРУФИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛГАН ҲОЛДА, КЕНГАЙТИРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАСИН.

4. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси тижорат банклари билан биргалиқда Миллий банклараро процессинг маркази лойиҳасини амалга ошириш давомида мавжуд процессинг марказларининг Миллий банклараро процессинг маркази билан интеграциялашувини ва ўзаро хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Чакана тўлов хизматларини кўрсатиш учун банк тарифлари банклар харажатлари қопланишини таъминлаш ва рақобатга кўмаклашиш учун маъмурий аралашувларсиз халқаро тажрибига мувофиқ ўрнатилиши белгилансин.

6. Марказий банк 2019 йил 1 январга қадар бўлган муддатда хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро норма ва қоидаларни чуқур ўрганиш асосида қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов

# Ўзбекистон Республикасининг ҳуққни муҳофаза қилувчи органларига берилади;

## ушбу Фармон билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш билан боғлиқ жиноятни қайта содир этган шахснинг такроррий муурожаати кўриб чиқилмайди;

Комиссия томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарор барча давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир;

Комиссиянинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Олий суд билан биргалиқда бир ой муддатда тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш ва жиноий жавобгарликдан озод этиш механизмларини назарда тутувчи Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази ушбу Фармон мазмун-

# Ўзбекистон Республикасининг ҳуққни муҳофаза қилувчи органларига берилади;

## ушбу Фармон билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш билан боғлиқ жиноятни қайта содир этган шахснинг такроррий муурожаати кўриб чиқилмайди;

ушбу Фармон билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш билан боғлиқ жиноятни қайта содир этган шахснинг такроррий муурожаати кўриб чиқилмайди;

электрон пуллар билан операцияларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, шу жумладан, электрон ҳамёнлар эгаларини идентификация қилиш тартиби.

7. Лойиҳани амалга ошириш доирасида, истисно тариксида, Марказий банк ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази” ДУКга:

Марказий банк ҳудудида ўрнатиладиган шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилган ҳолда, қурилиш ва лойиҳалаштириши бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш ва молиялаштириш шартларида амалга оширишга;

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

бўлими ташкил этилсин, шунга мос равишда вазирлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бухгалтерлар ва аудиторлар жамоат бирлашмаларини Молия вазирлигида аккредитациядан ўтказиш тартибини жорий этиш ва аудиторлик фаолиятини лицензиялашни бекор қилган ҳолда аудиторлик ташкилотларининг аккредитациядан ўтган жамоат бирлашмаларига мажбурий аъзолигини белгилаш бўйича тақлифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифлари маъқуллансин:
аудитор малака сертификатини дастлаб беш йиллик муддатга бериш, навбатдаги муддатни ўн йилга узайтириш ва ундан кейин муддатсиз даврга бериш;

халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда аудитор малака сертификатини бериши ва амал қилиш муддатини узайтиришни, шунингдек, 10 йилдан кам бўлмаган узлуksиз аудитор иш стажини мавжуд бўлганда аудитор малака сертификатининг амал қилишини муддатсиз даврга узайтиришни малака имтиҳонини топширмасдан амалга ошириш;

“бухгалтерия ҳисоби” ва “аудит” мутахассисликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган аудитор малака сертификатини олишга талабгорлар учун аудиторлик ташкилотида бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиш талабини ўрнатиш;

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси қуйидагиларни таъминласин:

а) ҳар йили 1 июлга қадар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтган ҳўжалик йоритувчи субъектлар тўғрисида қуйидаги ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириш:

ҳўжалик йоритувчи субъектнинг идентификация маълумотлари (сони, шўбачининг номи ва идентификация рақами);

аудиторлик ташкилотининг идентификация маълумотлари (номи, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг санаси ва рақами);

аудиторлик хулосасининг нусхаси;

б) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаган ҳўжалик йоритувчи субъектларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўриш;

в) қуйидагилар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш:

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши шарт бўлган ҳўжалик йоритувчи субъектлар тўғрисида;
мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланган ҳўжалик йоритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилган молиявий санкциялар тўғрисида.

9. Тошкент молия институти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргалиқда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро амалиётни ўрганиш асосида:

2018/2019 ўқув йили давомида бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги ўқув режалари ва дастурларининг бажарилишини комплекс таҳлил ва мониторинг қилсин ҳамда

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрдаги “Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида”ги ПФ–2712-сонли Фармони ўз кўчини йўқотган деб ҳисоблансин.

## 9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b>	<b>Ш. МИРЗИЁЕВ</b>
Тошкент шаҳри, 2018 йил 19 сентябрь	

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

лойиҳалаш ва пудрат ташкилотларини, шунингдек, жиҳозлар, бутловчи буюмлар, техника ва технологиялар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва материалларни етказиб берувчиларни тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши тақлифларни танлаш асосида аниқлашга рухсат берилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b>	<b>Ш. МИРЗИЁЕВ</b>
-------------------------------------------	--------------------

Тошкент шаҳри, 2018 йил 19 сентябрь

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

уларни янада такомиллаштириш ва ўқитишнинг инновацион усулларини жорий этиш чораларини кўрсин;

бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурларига халқаро аудит стандартлари ва халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича фанларни киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг маълумотлар базаси билан таққослаш орқали тадбиркорлик субъектларини томонидан ўз фирма номида “аудиторлик ташкилоти” сўз бирикмасидан фойдаланишнинг қонунийлигини ўрганиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда 2019 йилнинг 1 апрелига қадар муддатда аудиторлик ташкилотлари ҳамда бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан ўзаро электрон ҳамкорликка мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Аудит” дастурий мажмуасини ишлаб чиқишни таъминласин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргалиқда 2019 йилнинг 1 январига қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича тақлифлар киритсин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлаш учун халқаро аудит стандартларининг ўз вақтида тан олиншини таъминлаш мақсадида Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан халқаро аудит стандартларини маҳаллий амалиётга имплементация қилиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;

аудиторлик фаолияти тўрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

г) 2019 йилнинг 1 январигача фаолият юритаётган ва мазкур қарор талабларига жавоб берадиган аудиторлик ташкилотларига янги намунадаги аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар беришни таъминласин;

д) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси билан биргалиқда 2019 йилнинг 1 апрелидан кейин мазкур қарор талабларига жавоб бермайдиган аудиторлик ташкилотлари лицензияларининг амал қилишини белгиланган тартибда тутатиш чораларини кўрсин;

е) Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b>	<b>Ш. МИРЗИЁЕВ</b>
-------------------------------------------	--------------------

Тошкент шаҳри, 2018 йил 19 сентябрь





# ШХТ: Темир йўллар раҳбарлари Тошкентда учрашди

Жорий йилнинг июнь ойида Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари учрашуви доирасида Президентимиз ташаббуси билан темир йўллар маъмурияти раҳбарларининг биринчи учрашуви Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича келишувга эришилган эди. Шу муносабат билан давлат раҳбарлари халқаро тадбирга Ўзбекистон Республикаси раислик қилди.

Анжуманда қайд этилганидек, давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши транспорт-коммуникация тизими тараққийотиغا ҳам боғлиқ. Хусусан, темир йўл транспорти давлатлараро товар айирбошланиш, импорт-экспорт ташувлар, айниқса, денгиз йўлларига тўғриватган тўғри қилмайдиган, асосан, юкларни куруқликда ташуви каби мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда ШХТ давлатлари темир йўлларининг умумий узунлиги қарийб 400 минг километрга тенг бўлса, шундан 100 минг километрга яқини электрлаштирилган. Улар орқали ҳар йили 9 миллиард йўловчига хизмат кўрсатилиб, 4 миллиард тонна юк ташилди. Мана шу рақамларнинг ўзидек ушбу ташкилотнинг салоҳияти қанчалик катта эканлигидан далолатдир. Бу эса давлатлар ўртасида темир йўллар тармоғи ёрдамида ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, Ўзбекистоннинг роли катта бўлади.

Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалари асосида Навоий — Учкўдўк — Султон Увайтоғ — Нукус, Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон, Ангрэн — Поп линиялари барпо этилгани янада эътиборли. Хусусан, Ангрэн — Поп йўналиши минтақа давлатлари темир йўллари

# Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бўйича ҳамкорлик

Пойтахтимиздаги "Radisson Blue Hotel" меҳмонхонасида ташкил этилган давра суҳбатида шу мавзуда қизгин муҳокама қилинган бўлиб ўтди.

## АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан

Бугун юртимиздаги меҳнат бозори иштирокчилари — иш берувчилар, иш қидирувчилар бўлса, яқинда мазкур тузилма яна бир замонавий иш юритувчилар билан бойийди. Ҳар иккала томон талаб ва таклифлари асосида, нафақат юртимиз, балки хорижда ишламоқчи бўлган фуқаролар учун кафолатли хизмат кўрсатувчи Хусусий бандлик агентликлари ташкил этилиши кутиляпти.

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Парламент юқори палатасининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги қонун муҳокамага бағишланган йиғилишида худди шу мавзу ҳусусида сўз юритилди. Унда манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, илмий доиралар вакиллари иштирок этди. Қонун Ўзбекистон фуқаро-

# Ўзаро манфаатли алоқалар ва тажриба алмашиш

## Бош прокуратура фаолиятида янги уфқларни очади



Бугун Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида МДҲга аъзо давлатлар бош прокурорлари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 28-мажлиси ва ШХТга аъзо давлатлар бош прокурорларининг 13-кенгаши бўлиб ўтади. Форумда иштирок этиш учун Душанбеге Ўзбекистон делегацияси ташриф буюрди.

## ФОРУМ ОЛДИНДА

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказининг бизга маълум қилишича, Ўзбекистон делегацияси вакиллари асосий форумга қадар бир қанча учрашув ҳамда музокаралар ўтказишди. Хусусан, Саудия Арабистонидан келган ҳаммасблар билан уюштирилган мулоқот ўзаро фикр ва тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этди. Арабистонликлар юртимизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларга катта қизиқиш билдирди. Бундан ташқари, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Таъкидланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора-ларнинг халқаро йўналишдаги ҳамкорлиги давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар барча соҳада, жумладан, Бош прокуратура органлари фаолиятида ҳам ривожланиб борапти. Жорий йилнинг февраль ойида ушбу мамлакат бош прокурори бошчилигидаги Тожикистон делегацияси Тошкентга ташриф буюрди ва томонлар ўртасида 2018-2019 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди. Мазкур дастур доирасида семинарлар, қўшма йиғилишлар, чегара ва прокуратура органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши ўтказилиши белгиланган. Бундан қўзланган асосий мақ-

сад барча йўналишда тажриба алмашиш мунтазамлигини йўлга қўйишдан иборат. Афғонистон бош прокурори билан ўтказилган музокарада минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда икки давлат раҳбарларининг умумий қарашлари муштарак эканлиги таъкидланди. Учрашувда диний экстремизм, терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафика қарши курашиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ҳақида маълумот берилди ҳамда ҳамкорликни кучайтириш борасида вазифалар белгилаб олинди. Қайд этилганидек, ишбилармон доираларнинг мамлакатимизга қизиқиши ортиб бораётган муҳим жараёнда афғон инвесторлари ҳам ўзаро манфаатли лойиҳаларга сармоа кириштиришга тайёрдир. Уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишини Ўзбекистон Бош прокуратураси назорат қилади.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришда Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси прокуратура идораларининг ўзаро муносабатлари алоҳида диққатга сазовордир. Ушбу давлат вакиллари билан учрашувда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, қонунийликни таъминлаш борасида тажриба алмашиш ва янги усулларни ўзлаштириш бўйича ишлар яқин йўлга қўйилган. Мулоқотда ўзаро ташрифлар ёки шу каби учрашув ҳамда халқаро форумларда бажариладиган аниқ чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди. Томонлар 2017-2018 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури-

ни амалга ошириш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Қирғизистон делегацияси билан ҳамкорликнинг умумий йўналишлари доирасида чегаролди ҳудудларда прокуратура органларининг қўшма тадбирлар режаси лойиҳаси алоҳида муҳокама қилинди. Маълумки, давлатларимиз ўртасидаги сарҳадлар дўстлик ва ҳамкорлик чегарасига айлантирилди. Утган йили чегара постларининг очилиши ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Қариндош-уруғ ҳамда дўсту биродарларнинг ҳеч қандай шубҳасиз, виза тартибисиз, бир-бирлариникига тез-тез меҳмонга боришига имкон туғилди. Шунингдек, қўшни давлат фуқаролари иштирокида ИТХ содир этилса, низооларга ечим топиш пойтахтларда халқ қилинган сабабли жараёнлар чўзилади. Яқин кунларда бу масалалар республика идоралари аралашувида тўғри муносабатдаги прокуратура органларида қисқа муддатда халқ қилинади. Шунга оид ҳужжат ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида имзоланиши маълум қилинди.

Қозғоғистон бош прокурори билан музокарада чоғида келгуси икки йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди. Ундан қўзланган мақсад — ўзаро тажриба алмашиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Айни пайтда икки томонлама ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда жиноят ишларини юретишни электрон шаклда тайёрлаш тартибини жорий этиш бўйича синов лойиҳаси амалга оширилмоқда. Янги тизим жиноят ишларини юретиш жараёнида қатор хато ва камчиликларни бартараф қилиш имконини беради. Ўз навбатида, Қозғоғистон томони Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш истагини билдирди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ  
тайёрлади.

## ТАДБИРКОРЛИК

# Бўш бинолар эгасини топди

Сирдарё вилоятида 198 та бўш турган бино ва иншоот негизда амалга оширилган режалаштирилган 424,4 миллиард сўмлик лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди. 857 гектар бўш турган ер майдонлари ҳам тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга ажратиб берилиши билдирилди. Худудда 1376 та бўш бино мавжудлиги ва улар-

дан 399 тасидан фойдаланиш бўйича 622,4 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳалари шакллантирилганлиги ҳусусида ҳам маълумотлар тақдим этилди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф. Мирзаев қатнашди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Икки диплом, ягона мақсад

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифига биноан 2018 йил 12 — 14 сентябрь кунлари Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги боқимча кўтаришига хизмат қилди.

## ТАЪЛИМ



Расмий ташриф доирасида Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида яқин йилларга мўлжалланган ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди. Ҳуқумат ва вазирликлар ўртасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Беларусь Республикаси Таълим вазирлиги ўртасида идоралараро олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим" ҳам ана шундай ҳужжатлардан бириндир. Кеча Беларусь давлат педагогика университети ректори Тошкент давлат педагогика университетига ташриф буюргани эса ўзаро ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлди. Бугунги кунда замонавий билимларни пухта эгаллаган кадрларни

тайёрлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис хорижий ҳамкорлар билан икки дипломли дастур (double degree) асосида кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилаётди. Олиб борилган музокара натижасида 2018 йил 19 сентябрь кун Тошкент давлат педагогика университети билан Беларусь давлат педагогика университети ҳамкорлигида "Инновацион педагогика" ўзбек — белорус қўшма факультетининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур факультетда логопедия ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрланади. Тадбир домида қўшма факультет талабалари учун икки давлат профессору-ўқитувчилари ҳаммуаллифлигида янги ўқув-илмий адабиётлар яратилганлиги ҳақида ҳам алоҳида таъкидланди. Шунингдек, хорижий делегация иштирокида олий таълимни ташкил қилиш, янги авлод ўқув-уруғий адабиётларини яратиш ва хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш бўйича давра суҳбати ҳам уюштирилди.

Тадбир доирасида профессор-ўқитувчилар ва ёш олимлар томонидан эришилган ютуқларни акс эттирувчи кўргазма уюштирилди. Пировардида мазкур факультет талабалари қўшалоқ дипломи соҳибига бўлиб, икки давлатнинг бирида магистратурада ўқиши давом эттириши мумкин. Шунингдек, хорижий делегация иштирокида олий таълимни ташкил қилиш, янги авлод ўқув-уруғий адабиётларини яратиш ва хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш бўйича давра суҳбати ҳам уюштирилди.

Сурайё РАВШАНОВА,  
Ҳокимжон Йўлдошев олган сурат.

Ўзбекистон ҳамда Германия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга туртки берувчи йўналишлар, Марказий Осиёда, шу жумладан, Афғонистонда минтақавий ҳамкорлик ва барқарорликни таъминлашнинг долзарб масалалари муҳокамага эътибор қаратилди. Мулоқотларда экспертлар савдо, инвестициялар ҳамда молия, таълим, фан ва технологиялар, маданият соҳаларидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича фикр алмашди. Тадбир якунида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарор ривожланишни таъминлаш борасида икки мамлакатнинг ўзаро ҳам-жихатликда ҳаракат қилиши бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Ботир ГОҒУРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Хусусий бандлик агентликлари: Уларда қандай хизматлар кўрсатилади?

ҳамда мажбуриятлари белгилашмоқда. Агентликлар чет эл мамлакатларида меҳнат бозорини ўрганиш, хориждаги иш берувчиларни ахтариб топшиш ва олдидан танловдан ўтган иш қидираётган шахслар билан шартномалар тузиш билан шуғулланади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг мамлакатдан ташқарида ижтимоий ҳимоясини таъминлайди. Хусусий бандлик агентликлари ўз фаолиятини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида олиб боради.

— Қонунда "хусусий бандлик агентликлари" тушунчаси очиб берилмоқда, — дейди Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Бундан ташқари, бу фаолият билан кимлар шуғулланиши мумкинлиги, уларга лицензия бериш талаблари, хусусий бандлик агентликлари ходимлари сони ва уларнинг раҳбарлари ҳусусида шартлар белгилянапти. Ҳужжатда хусусий бандлик агентликлари томонидан шартнома асосида кўрсатила-

диган хизматлар турларининг тўлиқ рўйхати келтирилмоқда. Йиғилишда қайд этилганидек, қонунда юртимизда иш қидираётган шахсларга иш танлаш, иш берувчилар учун кадрлар танлаш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни эса ишга жойлаштириш механизми аниқ ифодалянапти. Яқинда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан мазкур қонун муҳокамага оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мунисхон КАРИМОВА.





Барқарорлик белгиси!

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини юксалтириш мақсадидаги фаолиятингизда кўмакдош ва ўзаро манфаатли ҳамкор бўлиш мақсадида

«Туронбанк» АТБ куйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари орқали «Бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун кредитлар»ни тақлиф этади:

- ◆ «Экспорт-импорт банк» (Хитой)
- ◆ «Азия-инвест банк» АТБ (Россия Федерацияси)
- ◆ Халқаро Ислон савдо-молия корпорацияси (ITFC)
- ◆ Осиё тараққиёт банки — «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғида кўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида
- ◆ Халқаро тараққиёт ассоциацияси (IDA) — «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида
- ◆ Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки — «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида

95 144 60 00

www.turonbank.uz  
Хизматлар лицензияланган.

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ҚХМЭИ)**

куйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:

- 05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш.
- 05.07.02 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш.
- 05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялари ва электр ускуналари.

**Керакли хужжатлар:**

- ариза;
- маълумотнома (3.5 шакл бўйича ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (таянч докторантурага — ишлаган талабгорлар учун, мустақил изланувчиликка — камида 2 йиллик илмий-педагогик ёки муайян илмий ютуқларга эга) бўлиши керак;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий раҳбар сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- иш жойидан тавсифнома;
- тиббий маълумотнома (086-шакл);
- 4x6 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий гувоҳнома нусхалари (асли шахсан кўрсатилади).

Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.  
Кириш имтиҳонлари 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор кўрғони, Самарқанд кўчаси, 41-уй, ҚХМЭИ, Илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш шуъбаси.  
Телефонлар: (0-370) 606-13-86, 606-37-04.

**«Ўзтрансгаз» АЖнинг «ФАРФОНАГАЗ» филиали**

ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали тасарруфидидаги объектларда меҳнат шароитининг умумий тавсифи, шовқин, газланганлик, чанглик, ёруғлик, ҳавонинг нисбий намлиги, ҳаво оқимининг тезлиги ва ҳаво босими каби инсон организмга салбий таъсир қилувчи зарарли омилларнинг ҳақиқий концентрацияси ҳамда жароҳатланишга хавф туғдирувчи дастгоҳларни аниқлаш ҳамда санитар-техник паспорт тайёрлаш ишлари бўйича махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган ташкилотлардан тижорат тақлифлари қабул қилади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Маргиний кўчаси, 76-уй.  
Телефон: (+99873) 229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

олий ўқув юртидан кейинги таълим (таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc) ва мустақил изланувчилик)га куйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун қабул эълон қилади:

**ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD) БЎЙИЧА КВОТА СОНИ\***

- 08.00.01 — Иқтисодий назарияси — 1 ўрин.
- 08.00.06 — Эконометрика ва статистика — 1 ўрин.
- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 3 ўрин.
- 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит — 2 ўрин.

\* Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилиши белгиланган.

**ДОКТОРАНТУРА (DSc) БЎЙИЧА КВОТА СОНИ**

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 1 ўрин.

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК (PhD, DSc)**

- 08.00.01 — Иқтисодий назарияси.
- 08.00.06 — Эконометрика ва статистика.
- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
- 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.

**Талабгорлар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар:**

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза;
- илмий ишлар рўйхати: таянч докторантура (PhD)га (камида 1 мақола ва 2 та тезис), докторантура (DSc)га 2 та мақола, 4 та тезис;
- илмий консультантнинг ёзма розилиги;
- иш жойидан тавсифнома (мустақил изланувчиликка талабгорлар учун);
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.

Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси, 60-«А» уй, Тошкент молия институти, Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.

Телефон: (+99871) 235-41-83.

E-mail: bitp@tfi.uz

Эълон бўйича маълумотлар билан www.tfi.uz сайти орқали ҳам танишиш мумкин.

**«Respublika mulk markazi» МЧЖ**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ал-Хоразмий филиалига қарашли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси-30, 16-«А» уйда сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/682 JFA бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси тақдоран кўйилмоқда.

• Бошланғич баҳоси — 47 629 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 5 октябр кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 3 октябр кунин соат 18.00.

Аукцион савдоси қолиби деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов хужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

**«ELXOLDING»** АДОСН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИЗДА ЧЕГИРМА**

**ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛЛАР**

**15 500 000 СЎМ**

Чегирманинг амал қилиш муддати — 2018 йил 30 сентябргача.

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ** Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан тақлиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94.

www.maz.by  
E-mail: maztashkent@mail.ru

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР**

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
232-10-63.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истефодаги генерал-майор **Ғофуржон Раҳимович РАҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 945. 76 901 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштириш тақлиф қилинади.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.12 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси